

# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 6 sentabr № 37 (522)

Sotuvda narxi erkin

## ХАЙЪАТДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан давлат ва агентлик мукофоти совриндорларини қўтлади.

Шундан сўнг хайъат кун тартибдаги масалалар кўриб чиқилди.

“Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) ва Республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитаси ўртасида 2000-2002 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг жорий йил биринчи ярим йилликда бажарилиши тўғрисида” Ўзбекистон алоқа ходимлари ка-

саба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.Назаржоновнинг маълумоти тингланди.

Маълумотчи Агентлик компаниялари ва корхоналарида келишувнинг қандай бажарилганлиги ҳамда бошқа масалалар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Женева шаҳрида келгуси йили Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу анжуманга тайёрларлик ишларининг қандай олиб борилаётганлиги “Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига (БРК-03) тайёрларлик кўриши ва Ўзбекистон Республикасининг БРК-03га улуши лойиҳаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси радиочастота-лар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М.Холмуротова маълумотида ўз аксини топти.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## ШИКОЯТЛАР БЕЪЪТИБОР ҚОЛМАСИН

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида семинар бўлиб ўтди. Унда “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилишда Агентликнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси М.Тожибоев, Мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи М.Рустамова, Умумий бўлим бош мутахассиси Ш.Нурмухамедова ва “Ўзбектелеком” АК Умумий бўлим бошлиғи Н.Иброҳимовлар иштирок этиб, маълумотлар қилдилар.

Маълумотчи Агентлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги, мижозлардан тушган таклиф, ариза ва шикоятлар муддатига кўриб чиқилмаётганлиги, Агентлик раҳбариятининг топшириқларига кечикиб ёки қониксиз жа-

воб берилмаётганлиги, сабаб-си назорат карточкаларини узайтириш ҳождлари рўй бераётганлиги, Давлат алоқа инспекциясига нотўғри маълумотлар тақдим этилаётганлиги, жойларда ёш кадрларга етарли эътибор берилмаётганлиги, Агентликнинг 1999 йил, 4 июндаги “Иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 220-сонли буйруғининг 4-банди бажарилиши ҳамда маълумотларнинг сифат ва мазмунига эътибор бериш лозимлиги ҳусусида сўз юритдилар, камчиликларни тугатиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Йиғилишни Агентлик Умумий бўлим бошлиғи, Бош директор ёрдамчиси Ш. Содиков олиб борди.

У. ЙҮЛДОШЕВ

## КЕКСАЛАР ЭЪЪЗОЛАНДИ

“Тошкент почта”и акциядорлик жамияти ва бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги байрами муносабати билан 50 нафар пенсионер байрам дастурхонига таклиф этилди.

Тадбирни корхона бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Т.Мухаммаджонова очиб, қарияларни байрам билан қўтлади. Ёлғиз ва боқувчисиз пен-

сионерларга пул мукофотлари топширилди.

Корхона томонидан кўрсатилган юксак эҳтиром ва ҳурмат учун Л.Лишетченко, Э.Рааб, С.Алиевлар ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Тадбирда корхона директорининг биринчи ўринбосари К.Алимов, директор ўринбосари М.Низомовлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

“Ўздунробита” қўшма корхоналари ичида янги давр бош-наси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги тантаналари Самарқандда ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Уяли алоқа тармоғини жаҳон андозалари асосидаги GSM тизимига ўтказишга бағишланган тантаналарда “Ўздунробита”нинг республикамиздаги барча филиалларидан

хоналари ичида янги давр бош-наси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги тантаналари Самарқандда ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Уяли алоқа тармоғини жаҳон андозалари асосидаги GSM тизимига ўтказишга бағишланган тантаналарда “Ўздунробита”нинг республикамиздаги барча филиалларидан

Самарқанд шаҳрининг “Аф-

## “ЎЗДУНРОБИТА” ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

вакиллар иштирок этишди.

Айтиш жоизки, эндиликда “Ўздунробита” ҚКнинг Самарқанд вилоятидаги 11 та туман ва 60 та аҳоли яшаш масканларида жойлашган абонентлари учун уяли алоқанинг сифатли босқичи бошланди. Бундан ташқари, Самарқанддаги “Ўздунробита” мижозлари бўлган “Пульсар” концерни, “Самарқанд Прага”, “ЎзВАТ”, “Самарқанд-Сингапур” сингари ўнлаб қўшма корхоналар ҳам янги тармоқ хизматидаги фойдаланишда.

“Ўздунробита” қўшма корхонаси бош директори Беҳзод Аҳмедов Самарқанддаги ушбу алоқа тармоғи республикадаги бошқа уяли алоқа қўшма кор-

росиёб” меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанада маҳаллий алоқачилар билан бир қаторда хорижий ҳамкорлар ҳам иштирок этидилар. Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов GSM янги алоқа тармоғининг республикамиздаги илк мижозлари сифатида биринчи кўнғироқни ишлатиб кўришди. Қатнашчиларнинг барчасига қўшма корхона томонидан совға-саломлар улашилди.

Зебо ХУДОЁРОВА,  
Самарқанд вилояти

## ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

2001 йилда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Япониянинг JVIC банки акратган кредит асосида халқаро тендер эълон қилган эди. Унга кўра республикамизда почта ва телекоммуникациялар соҳасини ривожлантириш учун тўртта лотга кўра тендер бошланганди.

Ушбу танловнинг учинчи лоти бўйича “Иточу Корпорейшн”, “Марубени Корпорейшн”, “Мицуи Ко&ЛТД” компаниялари қатнашиш истагини билдирган эди. Лекин “Иточу Корпорейшн” тендерда иштирок этишдан воз кечди.

Хужжатлар билан танишилгандан сўнг “Марубени Корпорейшн” тақдим этган лойиҳалар яхши баҳоланди ва уларнинг молиявий пакетини очиб маросими ўтказилди.

Йиғилишда Тендер комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов ҳамда “Марубени Корпорейшн” вакиллари қатнашишди.

Ш.МАДРАҲИМОВА

## •Танқид

Телефон ёрдамида муаммоларининг тез ва осонгина ҳал қиласиз, узок-яқиндаги дўстларингиз ва қариндошларингиз ҳолидан бохабар бўлиб, улар билан яқиндан ҳамсуҳбат бўласиз. Агар телефонингиз ишламай қолиб, сизга бир олам ташвишлар келтирса-чи?!

Кўпчилик ҳолларда жойидаёқ ечилиши мумкин бўлган оддий муаммолар “Отанга бор — онангга бор” қабилдаги сансалорликдан сўнг, алоқа соҳасининг бошқарув органи — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига мурожаат қилиш билан ижобий яқун топади.

Айнан шу тарзда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Тошкент тумани, Келес шаҳри, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Қоратой Ўроқбоевдан шикоят тушди. Шикоятда “Дўстлик” маҳалласида узок вақтдан буён телефон ишламаслиги ва Нукус шаҳридан юборилган телеграмма ўз вақтида етказилмагани таъкидланган.

Қўроқбоев бунгача 2002 йилнинг 1 апрелида Келес телекоммуникация боғламасига ва 2002 йилнинг 14 июнида “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкент Телеком” филиалига ариза билан мурожаат қилган. Мурожаатлари жавобсиз қолиб, ҳеч қандай ижобий натижага эришолмагач, 2002 йилнинг 9 июлида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори номига шикоят хати юборишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг топшириғига кўра, ушбу

1771/1-сонли телеграмма юборилган, ammo телеграмма 2001 йил, 18 сентябрда етказилган, шу сабабли Қўроқбоев дафн маросимига улгура олмаган. Телеграмманинг ўз вақтида етказилмаганига “Тошкент почтаси” АЖнинг Келес филиали билан “Ўзбектелеком” АК “Тошкент Телеком” филиалининг Келес телекоммуникация боғ-

ламаси ўртасида тузилган шартноманинг ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилмаганлиги сабабдир. Натижада Нукус шаҳридан 2001 йил, 17 сентябрда қабул қилинган телеграмма Келес телекоммуникация боғламаси айби билан олувчига назорат муддати кечиктирилиб топширилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Наҳотки, жойлардаги мутасадди раҳбарлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ёки Давлат алоқа инспекцияси аралашувисиз мижозлар муаммоларини масъулиятни ҳис қилган ҳолда, мустақил ҳал эта олмайдилар? Бизнингча, ушбу савол жавобини дўпғини ерга қўйиб, чўқур ўйлаб кўриш фурсати етди.

Абдухамид ДАВЛАДИЯРОВ,  
Давлат алоқа инспекциясининг Санция ва шикоятлар билан ишлаш бўлим бошлиғи

## АГЕНТЛИК НАЗОРАТТА ОЛГАЧ

шикоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилди. Натижада 2000 йил, декабр ойида номаълум шахслар томонидан “Дўстлик” маҳалласи истеъмолчиларига хизмат кўрсатувчи 800 м. узунликдаги ТПП 50х2 русумли тарқатиш кабели ўғирланганлиги оқибатида телефонларнинг ишламаётганлиги аниқланди ва Давлат алоқа инспекцияси аралашуви билан “Тошкент Телеком” филиали томонидан кабел олинди, “Дўстлик” маҳалласи ва Қўроқбоевлар хонадонидаги телефонлар ишлатиб берилди.

Энди эътиборингизни шикоятда таъкидланган иккинчи муаммо — почта алоқаси бўлиниши ходимлари томонидан ўз вақтида етказиб берилмаган телеграмма тўғрисидаги масалага қаратмоқчимиз.

Қўроқбоевга Нукус шаҳридан қариндошининг вафот этгани ҳақида 2001 йил, 17 сентябрда

Алоқа соҳасида 2000-2002 йиллар учун акциядорлик компаниялари билан 3 та жамоа, битта тармоқ келишув, жойлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларга 146 та жамоа шартномаси тузилган.

2002 йил, биринчи ярим йилликда алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида касба уюшма кўмиталари билан биргаликда қабул қилинган келишув ва жамоа шартномалари орқали ишчи-ходимларга меҳнат шартининг яхшилаш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳамда белгиланган иктомий кўрсаткичларнинг бериб борилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жамоа шартномаларининг 2002 йил, биринчи ярим йилликда бажарилиши якунилари барча алоқа корхона ва ташкилотларининг меҳнат жамоалари йилгилиши ва конференцияларида, Келишувларнинг бажарилиши якунилари эса акциядорлик компанияларининг директорлар кенгаши ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раёсатининг кўшма йилгилишида муҳокама қилинди.

Келишув ва жамоа шартномаларининг 2002 йил, биринчи ярим йилликда бажарилиши таҳлиллари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўйича (қўшма корхоналардан ташқари) ўртача ойлик маош барча тўловлар билан биргаликда бир ҳодим учун 35,5 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган 2001 йил кўрсаткичига нисбатан 1,25 баробар, жумладан, "Ўзбектелеком" АК бўйича 1,24, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бўйича 1,24 ва "Matbuot тарқатувчи" АК бўйича эса 1,36 баробар кўпдир. Ойлик маошнинг ўз вақтида тўлиниши устидан мунтазам мониторинг олиб борилди.

Барча корхона, ташкилот ва му-

ассасалар раҳбарларининг шу масалада жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (собиқ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги) ҳайъати ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раёсатининг 2002 йил, 27 май (13/А-13/23 "О" —

нат таълиғига чиқишда, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтаётганда, яқинлари (эри, хотини, болалари, ота-оналари ва биргаликда яшовчи оила аъзолари) вафот этганда, навбатдаги ўқув сессиясига ва пенсияга чиқишда моддий ёрдам кўрсатилиди. Кўплаб корхоналарда меҳнат таълиғига чиқётган ҳамда тармоқда кўп йиллик иш ста-

чи" АК бўйича эса 6,8 минг сўмдан кўшимча даромад берилди.

«Қариларни қадрлаш йили» муносабати билан 3500 нафардан ортиқ ишламаётган пенсионерни байрам кунларида тақдирлаш, юбилей саналари ва турли шакллардаги моддий рағбатлантиришлар учун жами 44,6 млн. сўм сарф қилинди.

Икки ёшдан уч ёшга бўлган фарзандлари тарбияси

## ЖАМОА КЕЛИШУВИ ВА ШАРТНОМАЛАРИ АМАЛДА

лишув ва жамоа шартномаларининг "Меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча тўловлар, рағбатлантиришлар ва пуллик компенсациялар" қисмига: "Ўз вақтида тўланган ойлик маош учун ҳисоб-китоб қилиш Тартиби"га қўра ҳолимага ўз вақтида тўланмаган ойлик маош учун қўшимча тўлов белги-лансин" деган банд киритилди.

Ўтган даврда корхона ва ташкилотларда шпат жалвали бўйича ойлик маошни ошириш борасида иш олиб боришти. Масалан, "Бухоро почтаси" АЖ, Андиқон ва Сирдарё "Matbuot уюшмаси" жамоаларида шпат жалвали бўйича 2001 йилга нисбатан ойлик маош 1,5 баробарга оширилди.

Бу кўрсаткич Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари "Matbuot уюшмаси" жамоаларида 2001 йил якуни бўйича қилинган танқидлардан тўри хулоса чиқарган ҳолда 2,3, "Тошкент почтаси" филиали, Хоразм, Наманган, Фарғона вилоятлари "Matbuot уюшмаси", Бухоро "Matbuot тарқатувчи" жамоаларида эса 1,4 баробарни ташкил қилди. "Ўзбекистон почтаси" ДАК ҳамда "Matbuot тарқатувчи" АК таркибига кирувчи корхоналарда ойлик маош ўз вақтида бериб борилади.

Барча алоқа корхона ва ташкилотлари томонидан ходимларга меҳ-

натга эга ходимларга қўшимчалар тўлаб борилади. Чунинчи, 13 мингдан зиёд ходимлар меҳнат таълиғига чиқишда ўрта ҳисобда 18,0 минг сўмдан ва 25 мингта яқин ходимлар ҳар ойда 4,1 минг сўмдан қўшимча ҳақ олдилар. Шунингдек, биринчи мартаба қонуний никоҳдан ўтган 250 нафар ишчи-хизматчига ўртача 26,5 минг, яқинлари вафот этган 746 нафар ишчи-хизматчига ўртача 30,7 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади.

"Меҳнат муҳофазаси" бўлимидаги таъбирлари бажариш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Меҳнат муҳофазасига ўтган даврда жами 130,2 млн. сўм сарф қилинган. Шундан 98,1 млн. сўми иш жойларини техник хавфсизлиги қондалари талабларига мувофиқ келтириш ишларида сарфланган.

Хисобот даврида Келишув ва жамоа шартномаларида белгиланган бошқа мажбуриятлар ҳам бажарилиди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2002 йилнинг биринчи ярим йилгилиги тармоқдаги ҳар бир ҳодим ўрта ҳисобда шпат жалвалида белгиланган ойлик маошига 15,0 минг сўмдан қўшимча даромад олдилар. Шу жумладан, "Ўзбектелеком" АК бўйича 19,9 минг сўм, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бўйича 4,7 минг сўм, "Matbuot тарқатув-

чи билан таълиғида ўтирган 540 нафарга яқин аёлларга ҳар ойда ўрта ҳисобда 4,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади. Ушбу мақсадлар учун жами 15,2 млн. сўм сарфланди.

Афсуски, айрим корхона ва ташкилотларда Келишув ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларни бажаришга етарли даражада эътибор қаратилмади. Хисобот даврида йўл қўйилган жиддий камчиликлардан бири — "Aloqinvest" АЖ бўлимидаги Радиоалоқа, радиотехника ва телевидение корхонаси ва "Ўзбектелеком" АК таркибига кирувчи айрим корхоналарда ойлик иш ҳақини тўлашдаги кечиктириш ҳолатларининг учраб туришидир.

Ўртача ойлик маошнинг тармоқ Келишувида белгиланган даражага етказмаган корхоналар ҳам бор. Бундай корхоналар "Ўзбекистон почтаси" ДАКда 11 тани, "Matbuot тарқатувчи" АКда 6 тани, "Ўзбектелеком" АКда эса 2 тани ташкил этади.

Ўртача ойлик маош "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг "Сурхондарё почтаси" (13,8 минг сўм), "Жиззах почтаси" (14,3 минг сўм) ва "Фарғона почтаси" (15,2 минг сўм) акциядорлик жамиятларида ҳанузгача паст.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибига кирувчи 17 та жамоадан фа-

қатинга 6 тасида ойлик маош қабул қилинган даражага етказилган. Хоразм, Сурхондарё "Matbuot уюшмаси" ва Жиззах, Қашқадарё "Matbuot тарқатувчи" жамоаларида ўртача ойлик маош ҳамон паст даражада қолмоқда. Шунингдек, "Наманган Телеком" ҳамда "Қашқадарё Телеком" филиалларида ўртача ойлик маош қабул қилинган даражага етказилмаган. Келишув ва жамоа шартномаларининг "Меҳнат муҳофазаси" қисмида белгиланган мажбуриятларни бажаришда "Жиззах Телеком", "Сурхондарё Телеком", "Самарқанд Телеком" ва "Қашқадарё Телеком" филиалларида маълум сарф қилинмаган ёки қисман сарфланган.

Ўтказилган йилгилиши ва конференцияларида иш берувчи ҳамда касба уюшма кўмиталари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларини 2002 йил якунида бар-тароф этилиши бўйича берган ваъдалари инобатга олинди.

2002 йилнинг биринчи ярим йилгилигида соҳанинг айрим корхоналарида меҳнат қонунчилиги талабларига эъл рившида ходимларни ишдан бўшатилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Шу сабабли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг, шунингдек ходимлар билан ишловчи мутахассисларнинг ҳамда касба уюшма кўмиталари раисларининг ҳуқуқий малакасини ошириш ва меҳнат қонунчилигини ўрганиш бўйича таъбирлар дастури ишлаб чиқарилган бўлди. Бу таъбир 2002 йилни алоқачиларнинг иктомий-иқтисодий масалаларини яхши кўрсаткичлар билан якунашимизга замин яратди.

**Т. НАЗАРЖОНОВ,**  
Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раиси

### РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

*Хоразм вилояти «Matbuot тарқатувчи» масъулияти чеklangан жамиятида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йилгилиши бўлиб ўтди. Унда республика «Matbuot тарқатувчи» акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Б. Қуббиев иштирок этди ва нутқ сўзлади.*

У ўз нутқида вилоятларда бўлаётган ўзгаришларга тўхталди. "Matbuot тарқатувчи" АК Низомига ўзгаришлар киритилганлиги, корхонага кўплаб имкониятлар яратилгани ва акциядорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида Кузатув кенгашининг роли катталигини таъкидлади. Вилонинг ҳар мингта аҳолисинга 80 та газета-журнал тўғри келгани ва обуна ташкил қилиш кўрсаткичлари бўйича хоразмликлар республикада биринчи ўринни эгаллагани боис «Matbuot тарқатувчи» акциядорлик компанияси Бош директор Р.Қосимов буйруғига қўра беш юз минг сўм миқдорда мукофот ажратилгани билан қутлади.

Корхонанинг етти ойлик фаолияти якунилари тўғрисида корхона директори Ф.Шарипов ахборот берди. Маърузачи барча туманларда филиаллар очилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлангани тўғрисида катта сўзлашга эришилгани, обуна масъумида янгича иш усули қўлланилиб, хизмат кўрсатиш даражаси оширилгани, ўтган йилга нисбатан жорий йилда обуна даромади деярли беш баробарга кўпайгани хусусида гапирди.

Умуман олганда корхона ходимларининг ишларини янгича ташкил этиши, газетхонлар талаб ва истакларини ўрганган ҳолда ташаббус билан иш олиб боргани натижасида кўпгина наشرлар сони кескин ошиб кетди. Ишчи-хизматчиларни рағбатлан-

тириш усуллари жорий қилинган корхона ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Яқка матбуот тарқатувчиларга обунанинг умумий баҳосидан бир фоиз мукофот қилиб берилди. Йирик корхона ва ташкилотлар обуна қилинганда 0,5 фоизгача рағбатлантирилди ва шу маблағ ҳисобига қўшимча равишда матбуот наشرларига бепул обуна қилинди.

Ҳазорасп, Гурлан, Қўшқўпир, Янгибозор филиалларида ишлар оқилона ташкил этилганини айтиб ўтиш жоиз. Обуна даврида Рўздат Бекчонов, Комилжон Жумагалдиев, Баҳодир Матназаров, Муҳаббат Маъқубова, Санамжон Йўлдошев, Умильяз Утарова ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

Корхонада нафақат обуна, балки чакана савдода ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Вақтли матбуот наشرларини сотиш юзасидан мониторинг ўтказилди. Фойдаси кам матбуот дўконлари аниқланди ва улар аҳолиси зич мавзелага, йирик корхоналар ва супермаркетлар ёнига, кечаю кундуз пие-далар гавжум бўлган марказий йўлларнинг кесилиш жойларига жойлаштирилди. Шунингдек, бошқа истеъмол моллари қатори газета ва журналлар сотиш истагини билдирган кўплаб яқка талбиркорлар фаолияти ҳар томонлама ўрганилиб, улар билан ҳамкорлик шартномалари тузилмоқда.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**  
жамоатчи мухбиримиз

### ФИНАЛ 19 СЕНТЯБРДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасининг кўма Кўбиги учун ўтказилган мусобақаларнинг дастлабки ўйинлари якунланди.

Худудий тамойил асосида ўтказилган ўйинларда "Фарғона Телеком", "COSCOM Самарқанд", "Қорақалпоқ Телеком", "Қашқадарё Телеком", "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиаллари ҳамда "Ўздунробита", Давлат фелдгерлик хизмати, Тошкент ахборот технологиялари университети жамоалари ғолиб чиқиб, чорак финал ўйинларига йўланма олдилар.

17 сентябр куни вилоятлар ғолиб жамоаларининг Тошкентга келишлари режалаштирилган. Шу куни жамоа вакиллари йилгилишида жуфтликлар аниқланди ва 18 сентябр куни чорак финал, 19 сентябрда эса ярим финал ҳамда финал ўйинлари ўтказилиб, ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

### Алоқа матбуот кўзгусида

#### МОБИЛ ҚУТҚАРУВЧИЛАР

• Жанубий Хитой денгизда қароқчилар бир яхтани эгаллаб олдилар. Унинг соҳибасини фақат мобил телефони ёрдами билан қутқара олинди. Аёл қутқарувчиларга қароқчилар босқини ҳақда мобил телефони орқали хабар қилиб улгурган экан.

• Тўққиз ёшли болакай отаси билан Ирланд денгизи (Англия шимолий-шарқиди)га балик овига чиқди. Қутқилмаганда довул бошланди. Кучли шамол уларни борган сари очик денгизга олиб чиқиб кетаётганди. Отаси йиқилиб, қайиқ чеккасига боши билан урилди-ю хушини йўқотди. Унинг ёнида телефони бор эди. Болакай ўзини йўқотиб қўймади, тезда телефони олиб, қутқарувчилар хизматига кўнғирок қилди. Икки соатлардан сўнг барча хавфхатар ортда қарди.

### БАРЧА АЛОҚА КОРХОНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклиф ва иштиролари" республика танловига тайёрланган материалларни 2002 йилнинг 25 октябригача Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамиятига юборишингизни сўраймиз.

Маълумот учун телефон: 136-37-34.

РЭА ИТЖ Раёсати

### АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТИ

#### ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 2002 ЙИЛДА

05.12.02 — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;  
05.12.14. — Алоқа тармоқлари, бўлиmlари ва ахборот тақсимлаш;  
05.12.17. — Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари мутахассисликлари бўйича кундузги аспирантурага қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар 2002 йил, 10 октябригача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатиласин: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 108-уй.

Маълумот учун телефонлар: 35-08-84, 35-07-63.

Факс: 35-10-40, 35-08-84.

### ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридagi Кўриқлаш Бошқармаси Куролли кучлар сафидa хизмат қилган, ўрта ва ўрта-максус маълумотли, Тошкент шаҳри, Тошкент, Қирирай, Зангиота ва Янгийул туманларида доимий яшаш жойига эга бўлган, бўйи 170 сантиметрдан кам бўлмаган, 25 ёшдан ошмаган йилгитларни танлов асосида хизматга таклиф этади.

Маъилуимиз: Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Қашқар мазеси, 3-уй.

Автобуслар: 38, 72, 148, 67, 57, 10. Олой бозори бекати. 31-поликлиника қаршисидa.

Маълумот учун телефонлар: 34-04-30, 136-19-11, 133-01-65.

"Алюмин — Фасад" фирмаси 1 октябрдан бошлаб ўз фаолиятини тугатади. Эътирозлар эълон чиққандан кейин бир ой муддатда қабул қилинади.



ДУШАНБА, 9

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлинома» 8.45-17.55 ТВ маркет. 8.50 «Ўзбекистон» намоиши: «Муцавбир», 9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур, 9.40 «Туртинчи ҳокимият», 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Сиздан уялига, биздан бўлиб». Бадий фильм, 11.25 Ўзбекистон теледиорекламанинг эстрада симфоник оркестрининг концерти, 11.55-15.35, 16.30 ТВ анонс. «Болалар сайраси»: 12.05 1. «Отин тож». Телевизион уйин, 2. «Улгайиб погоналари», 13.05 «Муслима: кеча ва бугун», 13.30 «Ошин». Телевизиал, 14.10 «Отлар сузи ақингиз кузи», 15.10 «Куйла, ёшлигим», 15.40 «Ит уяси». Телевизиал премьераси, 16.35 «Бу ақиқат фасл». Телевизиал, 16.55, 17.25 ТВ клип, 17.05 «Энг ширин қовун». Мультифильм, 17.35 «Қалб гавдаси», 18.10 «Олтин мерос», 18.30 «Мулк», 18.45 «Бахтли воқеа». Телевизиал, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари, 20.15 Биржа ва банк хабарлари, 20.30 «Ахборот», 21.05 «Қўшмағиз Сизга армути», 21.30 2002 йил - Қўшмағиз қадрли йил, «Қарни бор уй», 21.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнир кундалиги, 22.20 «Мовий умон қариди». Телевизиал, 23.30 «Ахборот-дайжест», 23.30-23.35 Ватан тимиоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсувалар дастури, 9.00 Давр тонги, 10.00 Янги авлод студияси: «Катта таннафус», 10.20 «Трам-салом!». Мультифильм, 10.30 Саломатлик сирли, 10.50 Мусиқий лавзалар, 11.00 «Давр-ҳафта ичиди», 11.30 «Қўшмағизнинг сув ости саргузашти», Телевизиал, 12.20 Давр-навс, 12.40 «Олтин маъбуд», Бадий фильм, 13.55 Қўшмағиз, 14.00 «Ҳақиқат чегараси». Серил, 14.25 ТВ-анонс, 14.30 «Янги авлод» почтаси, «Савол бering, жавоб беримиз», 15.00 «Овд элим - бидин ўйим» кураж-талабига, «Хушхад талабига» ўзбекистон тақдими эстади, 15.30 «Футболга келажик» мақалла Республика турнири, 16.00 Мусиқий лавзалар, 16.10 Ўзбекистон Президенти Кубоги халқаро теннис турнири, 18.55, 21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.30 Ўзбекистон Президенти Кубоги халқаро теннис турнири, 20.00 Қўшмағиз, 20.10 Янги йуви йилга, 20.15 Ўшлар овози, 20.25 Ўшлар хушхадлари, 20.50 Қўшмағиз тенгдошлари, 21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар 21.15 «Эсмеральда». Телевизиал, 21.50 Олтин мерос, 22.00 Давр, 22.40 «Муҳаббат қахваси». Телевизиал, 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут, 23.30 Давр, 23.45 «Ҳақиқат чегараси». Серил, 00.10 - 00.15 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувалар тартиби, 17.20 ТВда сериал «Гиннес-шоу», 17.40, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси, 18.00 «Болажонлар экрани», «Шарки ва Жорж», 28-қисм, 18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури, 18.50 «Камалак», 19.25 «Спорт ва болалар», 19.40 «Риштон муҳаббаси», Хужжатли фильм, 19.50 «Жозоба», 20.30 ТВда сериал: «Азизим Изабелла», 21.30 «Мушқалда», 22.20 «Пойтахт шарқи», 22.45 Киноғош, «Тевр хангомада», 23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.10-16.40 Курсувалар тартиби, 16.45 «Вести», 17.00 «Евроноос» янгиликлари, 17.15 «Оилавий ришталар». Серил, 18.20 «Хазил кетиди ҳазил», Хажватли фильм, 18.50 «Талабларга бинан тухташ», 20.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин», Телевизиал премьераси, 22.00 «Муваббат қахваси», 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут, 23.30 Давр, 23.45 «Ҳақиқат чегараси». Серил, 00.10 - 00.15 «Хайрли тун».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.10-16.40 Курсувалар тартиби, 16.45 «Вести», 17.00 «Евроноос» янгиликлари, 17.15 «Оилавий ришталар». Серил, 18.20 «Хазил кетиди ҳазил», Хажватли фильм, 18.50 «Талабларга бинан тухташ», 20.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин», Телевизиал премьераси, 22.00 «Муваббат қахваси», 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут, 23.30 Давр, 23.45 «Ҳақиқат чегараси». Серил, 00.10 - 00.15 «Хайрли тун».

СЕШАНБА, 10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот», 8.35-17.55 ТВ маркет, 8.40 Газеталар шарҳи, 9.00 «Ўзбекистон» намоиши: «Усмиликлар дўстаси», «Она замин наметлари», 9.20 «Сиз сир», 9.40 «Рангин дунё», 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Мулк», 10.20 «Аёллар тангоси», Бадий фильм, 11.40 «Хўраманда», 12.05 «Талабалик йиллари», 12.25, 15.00 ТВ анонс, 12.30 «Париси бор уй», 12.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнир кундалиги, 13.20 «Ошин», Телевизиал, 14.10 «Остона тилидола», 14.30, 15.50 ТВ анонс, 14.35 «Азия», 15.00 «Ит уяси». Телевизиал премьераси, 15.55 «Ягона оилада», «Болалар сайраси»: 16.25 1. «Қўшигим - жон қўшигим», 2. «Кичкинтойимиз-пўйгайимиз», 17.30 «Мулк», 18.00 Футбол бўйича Осн чемпионлар лигаси, «Пактор» (Тошкент) - «Ал Вихад» (Иордания), «Пактор» марказий стадиондан олиб кўрсатилади, 18.50 «Умид», Телевизиал, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари, 20.15 «Юмалар», 20.30 «Ахборот», 21.05 «Сўбат оламда», 21.25 Уюс Ражабий номиди мажорилар ансамблининг концерти, 21.50 Ўзбекистон каналда илк маротаба: «Ошин», Телевизиал премьераси, 22.20 «Муваббат қахваси», 22.40 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнир кундалиги, 23.10

